



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 ноябр, чоршанба №163 (810)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «АЛГОРИТМ» - ТУРНИР ФОЛИБИ

Тошкентда авллар уртасида волейбол буйича ўтказилган шаҳар биринчилиги кутилмаган натижа билан якунланди. Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт божқармаси раҳбарияти иккита ёшлар командасини рағбатлантириш мақсадида уларни мусобақа иштирокчилари сафига қўшган эди. Шулардан бири «Алгоритм» беш кун давом этган мусобақа голиби бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, ёшлар командасининг ютуғи - қизларнинг катта спорт маҳоратига эга эканлигида. Шунинг учун ҳам «Алгоритм» купгина мусобақаларда, жумладан халқаро мусобақаларда қатнашган, уларнинг асосида голиб бўлган. «Алгоритм» акциядорлик бирлашмаси касаба уюшмалари кумитаси командага зарур ёрдам кўрсатиб турибди.

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа - Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тобора яқинлашмоқда. Жойларда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. 123-Ургут сайлов округи ҳудудида яшовчилар Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашди. Испанза қишлоғида бўлиб ўтган учрашув сайловларда муқобиллик ва демократия тамойиллари қарор топаётганлигини намойиш этди. Белгиланган тартиб, бир хил имконият асосида «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлар ўз сайлов олдидан дастури, режаларини батафсил баён қилди.

Сўзга чиққан сайловчилар номзодлар сайловдидан дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Андижон шаҳрида 26-Мустақиллик сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур округдан кўрсатилган беш номзоднинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳоли, фаолияти, дастури ҳақида сўзлаб берди. Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар бу йилги парламент сайловларига тайёргарлик кўп партиялик, демократик тамойиллар асосида ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб, 5 декабр сайловлар кунинда барча фуқароларни фаол иштирок этишга чақирди. 217-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур округдан

кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, ташкилотчилик ва ташаббускорлик салоҳияти ҳақида сўзлаб бердилар. Номзодларнинг сайловдидан дастури тингланди. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 224-Қасби округидан рўйхатга олинган номзодларнинг ҳам сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. 69-Зомин сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар сайловчилар билан учрашди. Номзодлар ўз сайловдидан дастури ва режаларини баён этдилар. Ишончли вакиллар уларнинг меҳнат фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Депутатликка номзодлар сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар. (ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кумитасида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Германия Федерал жиний полиция хизмати билан биргаликда ташкил этган семинар ўзинини бошлади. Унда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳамда наркотик моддаларни ташқишга мослаштирилган турли хилдаги юк контейнерларини текшириш технологияларини ўрганиш масалалари муҳокама этилмоқда.


### Ҳамкорлик кенгаймоқда

Айтиш жоизки, бу борада биргаликда иш олиб бориш дунё ташвишига айланган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширади. Хуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг «Интерпол» ҳамда Бутунжаҳон божхона ташкилоти билан узаро ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлайди. Контейнерларни текшириш учун танлаш, уларни назорат қилиш, юкларини текшириш ва аниқлаш соҳа ходимларидан пухта билим, зийраклик ва тезкор ҳаракати талаб этилади. Бу борада немис мутахассислари етарли тажриба туллаган. Анжуманда иштирок этётган Германия божхона хизмати ва полиция экспертлари узлари билан бирга техник назорат ўтказишга ихтисослаштирилган замонавий мосламаларни ҳам олиб келинган. Давлат божхона кумитаси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинулари ходимлари ўқув машғулотлари давомида ана шу техник воситалар билан танишади. (ЎЗА)

## Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

### МЕҲНАТИМИЗ ҚАДР ТОПДИ

Бугун Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Марказий Кумитасининг Курултойи бўлиб ўтади. Беихтиёр савол туғилади: тармоқ ходимлари ушбу анжуманга қандай ютуқлар билан келиши. Муаммолар ўз ечимини топди-ми? Режалар қандай? Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кумитаси раиси Абдулхай АБДУРАҲМОНОВ муҳбири-мизга шулар ҳақида сўзлаб берди: - Республикамиз мустақилликка эришган темир йўл транспортини ривожлантиришга эътибор яна ҳам кучайди. Янги бунёдкорлик ишлари учун катта маблағлар ажратилди. Утган йиллар ичида «Навий-Учкудук-Нукус», «Гузур-Бойсун-Кумкўрган» темир йўл тармоқлари қурилишига киришилди. Қелгусида «Ангрен-Поп», «Андижон-Уш-Қашқар» темир йўл тармоқларини қуриш режалаштирилмоқда. Темир йўлларни электрлаштириш саъй-ҳаракатлари ҳам давом эттирилди. Республикамиз Мустақиллигининг 8 йиллиги байрамига темирйўлчиларимиз катта меҳнат туёғини билан келиши, яъни навбатдаги электрлаштирилган «Жонбой-Мароқанд» темир йўл участкаси фойдаланишга топширилди. Хуллас, темир йўл, транспорт қурилиши соҳасида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Кўпгина кичик станциялар ёпилди. Иш жиҳатлари бир-бирига ўхшаш бўлган корхоналар бирлаштириш йўли билан мустаҳкамланди. Савдо, маиший хизмат корхоналари акциядорлаштирилди. «Ўзбектрансқурилиш» Давлат Ассоциацияси тизимида туб ўзгаришлар содир бўлди. Унинг қўлига бўлинулари акциядорлаштирилди. Албатта, божқарма тузилишида юз берган ўзгаришлар касаба уюшмалари ташкили тузилишига ҳам ўз таътириларини киритди. Бирламчи касаба уюшма ташкилотлари бирлаштирилди, туғатилган ҳудудий касаба уюшма кумиталарини урнига бирлашган касаба уюшма кумиталари ташкил этилди. Компаниянинг Фаргона ва Қарши бўлинулари ҳудудий касаба уюшмалари туғатилиб, улар ўрнида Қу-



қон, Андижон, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё темир йўл дирекциялари бирлашган касаба уюшма кумиталари фаолият курсата бошлади. Таъкидлаш лозимки, структуравий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг фаолияти янада ошди. Айниқса, касаба уюшмаси билан иш бевурич уртасидаги узаро ҳамкорликни ўзида акс эттирган, асосий ҳуқуқий хужжат ҳисобланган темир йўл компанияси билан тузилган Битим ва корхоналар билан тузилган жамоа шартномаларида қайд этилган касаба уюшма аъзоларининг имтиёз ва қаролатларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, касбимиз хатарли, ў ёки бу сабабга қўра қутилмаган ҳолларда ёхуд техника ҳавфсизлигига етарли даражада рўя қилинмаган жойларда бахтсиз ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин. Сир эмаски, бир неча йил олдин улим билан туғанган оғир жароҳат олиш ҳоллари кўпайиб кетган эди. Шунинг учун 1997 йилдан эътиборан касаба уюшма Марказий кумитаси билан ҳар йили меҳнат муҳофазаси буйича компания хизматлари, бирлашмалари, бўлинулари ва корхоналарнинг бosh муҳандислари иштирокида қўшма йиғилишлар ўтказиш йўлга қўйилди. Утган ҳисобот даврида техника нозирлари томонидан 1378 та текшириш ўтказилди. Натижада 25584 та меҳнат муҳофазаси қондаларининг бузилиш ҳолати аниқланди. Меҳнат муҳофазаси қондалари ва меъёрларини бузган 213 нафар раҳбар жавобгарликка тортилди. Бугун биз узлуксиз амал-

да оширилган тадбирларимиз натижаси улароқ жароҳатланиш даражаси йилдан-йилга камайиб бораёпти, деб айтишимиз мумкин. Ўз боқувчисини йўқотгани учун товон ва ёрдам пули олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар иши касаба уюшма кумиталарининг алоҳида назоратида олинганлигини ҳам таъкидламоқ лозим.

Албатта, соғлом, яхши кайфиятли одамнинг оиласида ҳам, ишончасида ҳам меҳнати унумли бўлади. Шунинг ҳисобига олиб Марказий меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўз вақтида дам олиши, соғлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келяпти. Ҳисобот даврида тармоқ ходимларига 47974 та йўланма, жумладан санаторийларда даволаниш учун 15645 та, дам олиш уйлари ва пансионатларда ҳордиқ чиқариш учун 7684 та, санаторий-профилакторийларда дам олиш учун 14663 та йўланма, парҳезли овқатланишга 8882 та, сув спорти саройига 1100 та абонемент берилди. Шунингдек, касаба уюшмалари болаларнинг ёзги соғломлаштириш масалаларига ҳам доимо эътибор бериб келяпти. Ҳисобот даврида 37459 нафар болаларнинг саломатлиги тикланди. Шундан 2333 нафари экологик носоз минтақа ҳисобланган Орлобуйи ва Хоразм вилоятидан келган болалардир. Улар компания ва касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобига оромгоҳларда бепул дам олиб, соғликлари тикланди. Халқимизда «Булай десанг доворак, бардам, спорт билан шуғуллан ҳар дам» деган гап бор. Бу бежизга айтилмаган. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайтирилган. Чунки «Локомотив» спо-

рт жамияти фаолиятидан барча мамнун. Утган йиллар мобайнида 6 та теннис корти, Қарши ва Қўнғиротда спорт мажмуи, Хужакентда сузиш ҳавзаси ва спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қўпгина спорт иншоотлари сифатли таъмирдан чиқарилиди. Шунинг оқибати лозимки, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Барча бўлинулари ва узелларда спорт базалари борлигига қарамасдан қўпгина спорт мажмуаларимиздан самарали фойдаланилмаяпти.

Ижтимоий ҳимоя касаба уюшмалари учун бosh вазифа бўлган ва бундан бундан ҳам шундай бўлиб қолади. Кейинги беш йил мобайнида 980 та темирйўлчилар оиласи янги, шинам уйларида ҳовли тўйларини ўтказишди. Қўқон, Андижон, Бухоро бекатларида 840 уринли мактабга тарбия муассасалари, 625 уринли мактаб ва қўшма мактаб бинолари қурилди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан 1 миллион сўмлик турли жиҳозлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари сотиб олиб берилди. Кам таъминланган, ёлғиз оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам ҳақиқатдиққат-эътиборимизда.

Утган ҳисобот даврида муҳтож кишиларга фақат касаба уюшма бюджетидан 38 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам қўрсатилди. Бундан кейин ҳам одамларнинг ўзогини яқин, оғирини ёнғил қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаятган темирйўлчилар ва транспорт курувчилари меҳнати қадр топади. Уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун эса барча имкониятлар етарли.

## ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ЯРМАРКАСИ

Шанхай шаҳрида барпо этиладиган қўшма корхона «Ўзбек ярмаркаси» деб аталадиган бўлди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Мазкур савдо ярмарка майдонини очишининг ташаббускорлари - Республика товар хом ашё биржаси, «Узавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзбек ипаги» уюшмалари ва «Ўзуриллишжиҳозлари» компанияси қўшма корхонанинг Ўзбекистонлик муассислари бўлдилар. Хитой томонидан эса «Шун-Фен» компанияси қўшма корхона муассисси ҳисобланади.

«Ўзбекистон ярмаркаси» қўшма корхонаси 500 минг АҚШ доллари миқдоридан нисом жамғармасига эга бўлган масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилмоқда. Нисом жамғармасида Ўзбекистон томонининг улуши 51 фоиздан (255 минг доллар), Хитой томонининг улуши 49 фоиздан (245 минг доллар) иборатдир. «Ўзбекистон ярмаркаси»нинг нисом жамғармаси мол-мулк шаклида, қўшма корхонанинг айланма маблағлари эса Ўзбекистоннинг махсулот ва товарларини консигнация асосида ХХРда сотилишидан шакллантирилади.

Қўшма корхона савдо майдонларида анжуманлар, кургазма ва кучма ярмаркалар ўтказилади. Бу ерда доимий фаолият курсатувичи ўзбек товарлари экспозицияси ташкил этилиб, ватанимиз махсулотларини ХХР ва қўшни давлатларга сотиш юзасидан маркетинг тадқиқотларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Мутахассислар фикрича, Шанхайдаги «Ўзбекистон ярмаркаси» қўшма корхонаси Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлидаги савдо маданни алоқаларини тиклашига имкон берибгина қолмай, мамлакатимиз саноатчиларининг Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари бозорларига товар экспорти ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг яқинда Хитойга қилган сафари чоғида икки мамлакат уртасида туққизта ҳужжат имзоланди. Улар ҳаётиимизнинг кўпдан-кўп соҳаларини - сиёсат, иқтисодиёт, фан ва маданиятни қамраб олади. Хитойда «Ўзбекистон ярмаркаси»нинг барпо этилиши, нафақат уни тез орада рўёбга чиқариш, балки маркази Хитой ҳисобланган Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқни кенгайтиришга йўналтирилгандир. «Ўзбекистон ярмаркаси»ни ташкил этиш туғрисидаги Ўзбекистон ҳукумати қароридан барча божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ҳисобига олинган ҳолда ярмарка билан тузилган битим асосида товарларни чиқариб кетиш ҳужжатлар топширилгандан кейин уч кун мобайнида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шубҳасиз, бундай туғридан-туғри савдо-сотиқ алоқалари божхона харажатларини қисқартиради, демек, Ўзбекистон товарлари арзон бўлади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ХХРдаги музокараларда божхона туловларини қисқартириш туғрисида амалий тақлифларни илгари сурди. Бунинг Хитой томони ҳам тула-туқис қўллаб-қувватлади. «Ўзбекистон ярмаркаси» Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонасининг барпо этилиши бу йўлдаги дастлабки қадам бўлди.

«Туркистон-пресс».

## БОСҚИНЧИЛАР ҲУЖУМИ

Шу йилнинг 15 ноябрда 15-20 нафарча босқинчидан иборат гуруҳ Тошкент вилоятининг Янгибўлоқ аҳоли пунктининг яқинида жойлашган милиция блокпостига ҳужум қилди. Қуролланган жиний гуруҳ муҳим натижасида уч милиционер ва уч фуқаро ҳалок бўлди.

Босқинчилар гуруҳи Ўзбекистон Республикасига Қирғизистон ҳудудидан ўтган бўлиши эҳтимол бор. Ҳозир босқинчиларни излаб топиш ва йўқ қилиш борисида барча зарурий чора-тадбирлар қўрилмоқда. (ЎЗА)

## Олий Мажлис кўмитасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари кумитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, банк, давлат солиқ тизими ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этди. Кумита раиси А.Аҳдов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил туққиз ойлик ижроси якунлари муҳокама этилди. Молия вазирлиги Р.Азимовнинг шу масала юзасидан ахбороти тингланди. Солиқлар ва туловлар тушумини, жумладан, жорий йилнинг туққиз ойи учун Давлат бюджетни харажатларини ўз вақтида ва тулиқ маблағ билан таъминлаш буйича қўрилган амалий чоралар натижасида Давлат бюджетининг тақчил миқдорини Олий Мажлис тақдирлаган доира-

(ЎЗА)

## Сарҳисоб масъулиятли вазифалар олдинда

Сарҳисоб жараёнида галвир сувдан кутарилади, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ойнадек равшан бўлади. Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмасининг III-курултойи ишчанлик, талабчанлик вазиятида, танқид, ўз-ўзини танқид рўҳида ўтди. Бозор шароитида фаолиятни такомиллаштиришнинг самарали усулларини жорий этиш хусусида алоҳида гап борди. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиклар таъкидлашганидек, ҳисобот даврида ўзига хос ютуқларга эришилди. Ўзбекистондаги тинчлик-хотир-халмик шарофати ила чет элдаги нуфузли фирма ва компаниялар 581 миллион долларлик инвестиция ва кредитлар киритдилар. Фақатгина жорий йилнинг туққиз ойида асосий телефон аппаратларининг сони 52,7 мингтага ошди ва биринчи октябр ҳолатига 1533,9 мингтага ташкил этди. Тармоқ ходимларининг ойлик маоши ошиб бормоқда. Айни пайтда анжуманда таъкидланганидек, жойлар-

даги баъзи ташкилотларда маошлар оилаб кечикмоқда. Қаердадир битимларнинг ходимларга ижтимоий имтиёзлар бериш ҳақидаги шартлари тула бажарилмаётган. Меҳнат техник назоратининг меҳнат вазирлиги, унинг вилоятлардаги бўлимларига олиб берилиши имкониятларни чеклади, қатор муаммоларни юзага келтирди. Соҳа ходимлари жиддий эътибор қаратишлари лозим бўлган жиҳатлар очик-ойдин қўрсатиб ўтилди. Қурултойда Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмасининг 2000-2004 йиллардаги Ҳаракат дастури қабул қилинди. Шунингдек, Устава қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Шу кунги Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмасининг ташкилий пленуми бўлди. Марказий Кумитанинги янги таркиби сайланди. Пленумда Т.Н. Назаржонов Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кумитасининг раиси этиб сайланди.

Бизнинг номзодлар

САВОБ ИШЛАРГА ШЕРИК

Кўна Самарқанд мустақиллик йилларида янада гўзаллашди. У ўзига таниш ва қадрдон кўча бўйлаб охира одимларкан, руҳи тетиклашиб вуқудини маъсумлик чулғади. Бунга эрта билан рўбарў бўлган аёлнинг самимий сўзлари, миннатдор боқишлари сабаб бўлди.



У ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. Ўрта мактабни олтин медал билан битириб, энг обрўли олий ўқув юртининг физика факультетига тахсил кўрди. Муайян вақт ҳаётини или билан боғлади. Номзодлик диссертациясини ёқлади, лаёқатли шоғирлар тайёрлади. Сўнг тақдир тақозоси билан Зарафшонда фаолият юритди. Қаерда, ким билан ишламасин одамларга нафим тегсин, саваб-ли ишларга шерик бўлай деди.

Самарқанд вилоят касаб-ушмалари Кенгашининг раиси этиб сайланганидан сўнг бу фидойи аёлдаги ишчанлик фазилатлари янада илди элди. Унинг бир гали ибратлидир: — Аёл кишига аввало оилавий бахтдан буюрсин, — дейди Маҳорат Боқиева. — Шу маънода шуқур қиламан, икки нафар фарзандим бор. Умрдошим физик олим, фан доктори. Ҳар қандай она ким фарзандларини камолдан кувонаман. Жуда аҳил яшаймиз. Бироқ, ҳузуримизга наҳот истаб келган баъзи аёлларни кўриб, ҳаётда ношукорлар, саодат соҳибларини эъзозлашни билмайдиган, лоқал бир оғиз ширин сўзини аяйдиган кимсалар ҳам борлигини ҳис қиламану қон босимим қўтарилади. Бўш келиши йўқ. Биз — аёллар катта кўч эканлигимизни намоян қила оламиз.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда ишчи ўринларини сақлаб қолиш, янгиликларни яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Касаба уюшмаларининг вилоят ҳокимилиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирлари қўрилган самарани бермоқда. 1998 йилда 3 мингдан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланганди. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса 1360 дан ортиқ аёл ишга жойлаштирилди, 296 нафари қайта ўқитилди.

Ҳамкасбар билан сўхбат жараёнида М.Боқиева қатъиятли, адолат учун дадил курашадиган аёл сифатида таърифланди. Бир ҳаётини мисолга эътиборимизни қаратишди. Иш жойларини аттестация қилиш чоғида 400 нафардан ортиқ аёл зарарли меҳнат шaroитида ишлайётганлиги маълум бўлди. Маҳорат опа масалани тегишли идора ва ташкилотлар олдига қўндаланг қўйди. Ҳозирча қўндаланг бўлса-да, четта олишга уринаётган баъзи ималар охири-охири аниқ тадбирларни амалга оширдилар. Аёлларга қўлайлиқлар яратилди.

Ҳар бир инсон ҳаётда не-не орузлар билан яшайди. Ҳалол меҳнатимиз озага чиқса, одамлардан факат яхши гап эшитсам, дея оруз қилади. Каттақўрғон туманидаги 24-«Каттаминг» сайлов округидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлиги номида этиб кўрсатилган Маҳорат Боқиева худди шундай бахтга мушарраф бўлган саодат соҳибасидир!

М.НИЁЗОВ

МАРОҚЛИ СУҲБАТЛАР

Республика касаб-ушмалари фаоллари ҳам бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали ташкил этиш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Айни пайтда улар Республика Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодларни сайловчиларга кенг таништириш юзасидан ҳам ибратли тадбирларни амалга оширишяпти. Биринчи марта сайловда қатнашаётган ёшлар учун алоҳида савол-жавоблар, учрашувлар уюштирилмоқда. Сўрада: Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси касаб-ушма кўмитаси раиси Ёқуб Муродов (ўртада) фаоллар билан маҳаллада ўтказилган учрашув олди-дан ўзроқ фикрлашмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.



«САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ!»

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган 25-сайлов округига қарашли 248-Сабзор сайлов участкасида бўлганнингизда, бу ерда сайловларга қизгин тайёргарлик бораётганининг гўвоҳи бўлди. Тадбирлар амалдаги қонунлар асосида ташкил этилган. Сайловчилар учун зарур бўлган маълумотлар, китоб-

лар ўзбек ва рус тилларида муҳайё этилган. Бунинг учун алоҳида хона ажратилиб, у кўнгидагидек жиҳозланган. Сайлов участкаси 19-касб-хўна мактаби биносида жойлашган. Айниқса, сайловларда илк бор иштирок этаётган ёшлар билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Бунда ўқитувчилардан тарғиб топган махсус гуруҳ аъзолари-

нинг хизматларини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Биринчи марта сайловда қатнашаётган 77 нафар сайловчи билан суҳбатлар уюштирилиб, уларни алоҳида рўйхатга олишган. — Умуман, ушбу участкада 2665 нафар сайловчи иштирок этади. Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тахт, — дейди сайлов участкаси котибаси Шохида Камолова. — Камчиликлар ҳозирча йўқ. Белгиланган

жаввал асосида мунтазам навбатчилик йўлга қўйилган. Ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари сайлов участкаси раиси, ҳомий ташкилот — «Шоштран» қўшма корхона раҳбари Мурод Холисов иштирокда баъзи муаммолар бартараф этилиб, зарур йўл-йўриқлар бериб берилмоқда. Овоз бериш бўлиналари учун керакли барча жиҳоз ва анжомлар етарли.

Илхом ШЕРМУҲАММАДОВ

СЎРОВ ЎТКАЗИЛДИ

Андижонда Республика Марказий сайлов комиссиясининг ташаббуси билан Олий Мажлиси сайлов ўтказувчи Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудларидаги округлар сайлов комиссиялари аъзолари иштирокда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Давлат тест маркази томонидан тайёрланган «Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?» мавзуда сўров ўтказилди. Катнашчиларнинг асосий кўпчилиги тест саволларига тўғри ва атрофлича жавоб қайтарди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари О.Дўстжонов, комиссия аъзоси Ҳ.Бобоев ва бошқалар сўзга чиқиб, сайлов тайёргарлигининг ҳозирги босқичдаги долзарб вазифаларга тўхталди. Катнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

К.Низомов, Ў.А. муҳбири

Муаммо қўндаланг қўйилади

Шаҳару қишлоқларда қад ростилаётган янги-янги биноларни кўриб қўндаланг қўндаланг. Бу иншоотлар неча ўн йиллар, балки асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб қизиб қилиши керак. Бу ишончга шак келтириш қийин. Шундай бўлса-да баъзан ўйлаб қолсан киши: кўрки кўзни қўндаланг иморатларнинг деворлари мустаҳкамми?

Албатта, қурилиш-меъморчилик ишларида эгалланаётган жаҳон тажрибаси билан шарқ аъёнлари тўғрисида таъминоти йўл-йўли билан биноларнинг тобора кўркамлашиб бораётганидан ҳеч ким қўндаланг қўндаланг. Қурилишда ва қурилиш анжумани ишлаб чиқаришда давлат меъёрларига қатъий

линганди. Натижада мавжуд камчиликлар бартараф этилиб, маҳсулот сифати анча яхшиланди. Жўма кўм қарьерда ҳам худди шундай тадбирлар амалга оширилиб, илҳомий ўзгаришларга эришилди.

Афсуски, бозор талабини инобатга олмаётган, истеъмолчи манфаатини кўзга ил-

нарли ҳолга дуч келинди. Корхона раҳбарияти бу ерда ишлаб чиқарилаётган гиштинг русуми қанақалигини ҳам билишмас экан. Лаборатория йўқлиги сабабли корхона ишга тушганидан бери маҳсулот бирор марта махсус синовдан ўтказилмаган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг стандарт кўрсаткичларига доир меъёрий ҳужжатлар ҳам мавжуд эмас. Оқибатда корхона раҳбари ўз айбига икор бўлиб, жарима тўловига тортилди. Илонсой кўм қарьеры жамоаси эса қурилиш ташкилотларига

МАҲСУЛОТНИНГ СЕРТИФИКАТИ ҚАНИ?

амал қилинмоқда.

1999 йилнинг ўтган даврида 1998 йилдагига нисбатан қурилиш корхоналари томонидан давлат стандартларига риоя қилмаслик ҳоллари сезиларли даражада камайганлигини Самарқанд сертификатлаш, метрология ва стандартлар минтақавий маркази томонидан ўтказилган текширишлар ҳам тасдиқлайди. Ҳа мавқени сақлашни, харидорларни кўпайтиришни истоган корхоналар ўз маҳсулотларини сертификатлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Бу давлат назорати изчиллигининг самарасидир. Масалан, дастлаб ўтказилган текширишда «Ургут-Лада-Мармар» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган мармар плиталарнинг мустаҳкамлиги синовдан ўтказилмагани, сертификати йўқлиги аниқланган ва корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш тақиқланди, раҳбарларига жарима со-

май, давлат стандартларига риоя қилмаётган корхоналар ҳам мавжуд. Хусусан, Пастдарғом гишт заводида текширилган ўтказилганда корхона маҳсулоти бир неча кўрсаткичлар бўйича давлат стандартларига мос келмаслиги аниқланди. Корхонада гишт мутлақо синовдан ўтказилмайдиган, пеллардаги иссиқлик режими назорат қилинмайдиган. Табиийки, бундай ҳол учун корхона мутасаддиларига нисбатан жазо қўйилди. Лекин, айтинг-чи, сифатсиз гиштан тикланган иморатнинг тақдирини нима бўлади? Умуман, Самарқанд вилоят жамоа хўжалик қурилиш (Облколхозстрой) трестига қарашли гишт заводларининг бирортаси ўз маҳсулотларини сертификатламаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, гишт сертификатлашни мажбурий бўлган маҳсулотлар жумласига кирди.

Иштихондаги «Бунёдкор» корхонасида янада ажаб-

сифатсиз қўндаланг бергани учун 164,3 миң сўм жарима тўлади. Яна бир гап. Вилоятдаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг бирортаси ўз маҳсулотини сертификатламаган. Бу борада «Самводстройиндустрия» ишлаб чиқариш билишмасидаги дастлабки қадамлар қўйилмоқда холос.

Ҳеч бир иморат вақтинчалик қурилмайди. Шундай экан, унинг қўндаланг даражасида бўлиши керак.

Ҳ.ВОҲИДОВ, Самарқанд сертификатлаш, метрология, стандартлаш минтақавий маркази директорининг ўринбосари.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

БОЗОР ТАЛАБИ

унга баъзилар дош беролмаяпти

Сайхунбодда кейинги йилларда чорвани ривожлантиришда депсинишлар содир бўлди. Айниқса, жониворлар бош сони ўтган беш-олти йилда камайиб кетди. Энг ачинарлиси, чорвага факат чорвадоргина маҳсул деган ўринсиз фикр ўрнашиб қолганди. Оқибатда мустаҳкам озуқа базасини яратиш ўз холига ташлаб қўйилди. Хўжаликлар мутасаддилари чорвага ўғай кўз билан қарашни одат тусига айлантириб олишди.

Чорвачиликдаги парокандаликнинг бош омиллигана шу. Айни чоғда туманда 1881 бош қорамол мавжуд бўлиб унинг 707 бошини соғин сигирлар ташкил этади. 174 бош чўчка, 2327 та товуқ бор. Гапнинг ростли қоқайдилик уларга ҳам таҳдид солмаётганмикин деган ўйда эдик. Чорвачилик фермалари билан танишувимиз, чорвадорлар билан қилинган суҳбатлар чоғида хавотирга ўрин йўқлигини аниқлаб етдик.

Гапнинг ростли туманда «Сайхунсўт» хусусий қоржонасининг иш бошлаши чорвадорлар жонига аро кирди. Илгари сўт заводларига маҳсулот топшириб ўтдай қуйиб юрган чорвадор чўнтаги пул кўрди. Қолаверса, маҳсулотни тўхтовсиз қабул қилиб вақтида ҳисоб-китоб қилиниши тармоқ ис-

озуқа базаси яратишга эришилди. 180-200 кунга бемалол этадиган хашагимиз бор, — дейди биз билан суҳбатда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раисининг чорвачилик бўйича муовини Солиҳон Тожиев. — Барча молхоналар жорий таъмирдан чиқарилган. Энг муҳими, чорвадорларимиз вақтида ойлик-маош билан таъминланаёпти.

«Пахтакор» қишлоқ хўжалик кооператив ширкатлар уюшмаси наслчилик фермасини кўздан кечирдик. Бу ерда 24 киши меҳнат қилаётган экан. Чорвадорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳақ тўлаш иш-бай. Қанча кўп маҳсулот олинса, даромад ҳам шунга яраша.

— Қарамогимда 25 бош соғин сигир бор, — дейди соғувчи Санобар Жўраева. — Бир литр сўт учун 3 сўмдан ҳақ олаёғимиз. Уртача ойлик маошимиз 9-10 миң сўмни ташкил этаёпти. — Хўжалик томонидан ҳам мадад кўрсатилаяптими? — Илгарилари эътибордан четда эдик. Бу йил яхши. Яқинда бир қопдан ун, 50 килодан бугдой, 10 килодан гуруч беришди. Фермада 263 бош қор-

мол боқилаёпти. Чорвадорлар моллар бош сонини кўпайтиришга интилишмоқда. Айни чоғда 90 та зотли бурзоқ махсус хоналарда парвариланмоқда. Энг муҳими, жониворларни мажбуран сўйиб юбориш ҳолларига барҳам берилмоқда.

Чорвачилик аҳоли билан танишар эканмики хўжаликларро бўрдоқчилик базасида вазият оғирлигини сездик. Бу ерда 168 бош қорамол парвариланмоқда. Қишлоқда кўп учиди ҳозирлик қўрилган. Гўшта топширилаётган ҳар бир бўрдоқнинг ўртача тирик вазини 350-400 ўрнига 117 килограмми ташкил этмоқда. Утган йилга нисбатан жониворлар бош сони 142 бошга камайиб кетган. Боз устига 120 тонна беда, 180 тонна сомон, 10 тонна силос, 50 тонна макка пояси жамғарилган, холос. Бу эса 90-100 кунлик озуқа дегани. Ачинарлиси, бўрдоқи молларни кўриб кишининг ичи ачийди. Чорвани қишдан беталофат олиб чиқиш қофлати кўринмайди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Тадбиркорлик - давр талаби

БИР ФИРМАНИНГ УЧ ЗАВОДИ

— Ҳа, ишонаверинг фирмамизнинг учта: ароқ, вино, ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган заводлари бор. Фирмамиз бундан саккиз йил олдин Денов туманидаги «Ҳазорбо» ширкат хўжалигининг 4-бўлимидаги ташландиқ ва боқоқликдан иборат бўлган 2.2 гектар ерда қурилиш ишларини бошлаб юборган эди. 1993 йилда туман хўжаликларидан 900 тонна узум маҳсулотини қабул қилиб, йил давомида 70 миң диколитр вино маҳсулоти чиқарган эдик. Ҳафтанинг 25 нафар фуқарога иш ўрни ҳам ташкил этилган эди. 1997 йилда илк маҳсулот сотувга чиқарилди. Айни кунларда ойига 40 миң диколитр ароқ, бир йил давомида 200 миң диколитр вино, куняга 100 тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришяёғимиз.

Жамоада 167нафар ишчи меҳнат қилади. Фирма касаб-ушма кўмитаси раиси Ўқтамжон Шодмонов билан биргаликда тузилган жамоа шартномасининг ҳар бир банди, ўз вақтида баҳарлиб келинмоқда. Унда кўзда тутилган ишчи-

ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш бугун бош вазифага айланган. Ҳар бир ишчининг меҳнат таътилига қўшимча 5 кун таътил ҳамда 2 ойлик иш ҳақи миқдориди моддий ёрдам пули берилмоқда. Ишчи-хизматчиларга ёзги ва қишки ишчи қиймлари фирмамиз ҳисобидан бепул берилган. Уларнинг соғлиғи йўлда ҳам гамқўрлик қилаёғимиз. Фирмамиз ўз амбулаториясига эга бўлиб, унда хизмат қилаётган тажрибали шифокор Эркин Қаршиев томонидан намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Беморлар бепул дори-дармон билан таъминланади.

Фирмамизнинг барча ходимлари яратилган иш шароитидан мамнун. Касаба уюшма кўмитамиз билан белгиланган тадбиримиз бўйича 2000 йилда 50 нафар кишига ишчи ўрни очиб бериш ниятимиз бор. Бу борада имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳабибулло НОРМУРОДОВ, Денов туманидаги «Орзу-К» хусусий фирмаси бошлиғи.

Янги иш ўринлари

Сирғалиликлар «Кафсар» фирмасига қарашли биринчи цехда тайёрланаётган бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотларини харид қилишга одатланишган. Чунки бу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан кишилар диққатини тортмоқда.

«Кичик»нинг ХАЙРЛИ ИШИ

— Пойтахтда шундай кичик бўлимларнинг ишга туширилиши айни муддао бўлди, — дейди харидорлардан бири. — Нимага деганда илгарилари нон ва нон маҳсулотларини фақат йирик корхоналар тайёрлаб берарди. Бошқача қилиб айтганда, йирик-йирик нон комбинатлари билан рақобат қила оладиган кичик корхоналар йўқ эди. Шунинг учун уларда ёпилаётган нонлар сифатига тез-тез эътирозлар бўлиб турарди. Бу ерга кирган киши эса ҳурсанд бўлиб чиқиб кетади. Сабаби бу нон цехида ҳамма вақт хилма хил янгидан тайёрланган нон маҳсулотлари бисёр.

— Цехимизда ёпилаётган нонлардан сергилликлар мамнун экан, биз албатта бундан хурсандмиз, — дея суҳбатга қўшилди унинг бошлиғи Музаффар Рихсибоев. — Чунки ҳозирги бозор иқтисодий шароитида харидорларнинг талаби ишимиз мезон бўлиши керак.

Кичик корхонанинг ишга тушганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан бу ерда ҳозирги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Унга қарашли нон дўқониди эса эрталабдан кечгача харидорлар кети узилмайди. Айни пайтда цехда кунига 9 тоннагача ун қайта ишланиб, хилма хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бунда бўлим ходимларидан Муҳаббат Усмонова, Мухтабар Расуловаларнинг ҳиссалари катта бўлаёттир. Нимага деганда улар янги, замонавий нон пишириш ускуналарини тезда ўзлаштириб олиб, унда ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражада ишлашга эришишмоқда.

Асқар ХУСАНОВ.

Ижтимоий ҳимоя: ҳокимлик ва касаба уюшмалари ҳамкорлиги

# БЎСТОНЛИҚНИНГ ОҚИБАТЛИ КИШИЛАРИ

Бўстонлик республикамизнинг жаннатмакон худудларидан бири. Унинг бетакрор табиати, сўлим гўшалари ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Шу боис бу ерда кўпга санаторий ва ботаник дам олиш масканлари мавжуд. Бу саломатлик гўшаларида ҳозирги кунда минглаб ҳамюртларимиз мириқиб дам олишмоқда. Шунинг билан бир қаторда Бўстонлик Тошкент вилоятидаги аҳолиси энг кўп туманлардан бири саналади. Айтиш мумкин, уларнинг сони 145 мингдан ошиб кетди. Шунга қарамай туман ҳокимлиги касаба уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш масаласида ибратли тадбирларни амалга ошираётти. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойи ичида кам таъминланган оилаларга 150 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатил-

ди. Йил охиригача бу рақам 200 миллион сўмга етказилиши мўлжалланмоқда. Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш доимий назоратга олинган. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида касабакўм раислари иш берувчилар билан аниқ тадбирлар белгилаб олишган. Махсус тоифадаги ишловчилар қорхона ва хўжалиқлар томонидан сут, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак билан таъминланган.

— Бозор иқтисоди шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг биридир, — дейди туман ҳокими Абдуманноп Абдувосиков. — Шунинг учун туманимизда ноғирон, кам таъминланган оилалар, уруш қатнашчилари ва бошқа ёрдамга муҳтож кишиларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш алоҳида эътиборда. Масалан, шу йил Хотира ва Қадрлаш кунининг ўзида

586 нафар ноғироннинг кўнгли олинди. 5 нафар серфарзанд оилага бир бош сигир совға қилинди. 78 нафар Афғон уруши жангчиларига 234 минг сўм маблағ ажратилди.

Айниқса, байналмилал жангчилар, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофазалашга эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида 319 нафар уруш қатнашчилари ва имтиёзли ноғиронларнинг оиласи бир тоннадан бепул кўмир билан таъминланганининг ўзи фикримизнинг далили бўла олади. Бундан ташқари уруш ноғиронлари ва уларга тенглаштирилган фуқаролар газ, электр энергияси, иссиқлик манбаларидан фойдаланишда чекланган миқдорда пул тўлаш имтиёзига эгадирлар. Уларнинг 81 нафарига сўхатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрларнинг 180 нафари тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бепул олиб туришиб-

ди. Улар коммунал хизмат тўловларидан озод қилинган.

Аёлларни иш билан таъминлаш, уларни жамоат ишларига жалб қилиш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойи ичида 368 нафар хотин-қизлар иш сўраб келган бўлса, шулардан 337 нафари иш билан таъминланган. Аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Маҳаллаларда, мактабларда ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилаётти.

Шароити оғир, ижтимоий муҳофазага муҳтож хотин-қизлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш фаоллар тарихий қисмидир. Шу маънода тумандаги 836 нафар аёлга 8 млн. 200 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда туман тўғроқхонаси 100 минг сўмлик дори-дармон билан таъ-

минланди.

Туманда вақтинча ишсиз қолган аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, янги касб-ҳунарга ўргатиш борасида яхши ишлар кўп. Жумладан, шу йили 1700 нафар кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳозиргача 1500 иш ўрни ташкил этилди. Республика миллий банкининг Фазалкент бўлими очилши, замонавий қорхоналарнинг ишга туширилиши мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Шулардан бири яқинда фойдаланишга топширилган «Феруз» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасидир. Айтиш мумкин, бу қорхонада жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Шу йил охиригача яна бир консерва ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Фулмон ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

# ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРЛАРИ

**Мамлакатимиз олий ўқув юрталарида ўз билими ва юқори иқтидор билан ажралиб турган талаба ёшлар кўп. Бундай қобилиятли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида турли стипендиялар таъсис этилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясини олиб ўқиётган талабалар ҳам олий ўқув юрталарининг фахри ҳисобланади. 1999-2000-ўқув йили учун бундай нуфузли имтиёзга қўлга киритиш бўйича ўтказилган танловда 10 нафар аълочи талаба гўлиб чиқиб, Президент стипендияси совриндори бўлди.

Тошкент тўқмачилиги ва энгил сааноат институтининг талабаси Шўхрат

Исмоилов ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олди. Бу иқтидорли толиби илм компьютерни яхши билади, инглиз ва немис тилларида бемалол гаплашади. Республика олимпиадалари гўлиби бўлган Ш.Исмоилов қатор илмий мақолалар муаллифидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси бу сафарги совриндорлари орасида Тошкент Давлат университетидан Гўзал Хожиёва, Тошкент Давлат темирўй транспорт институтидан Жаҳонгир Нурмухамедов, Урганч Давлат университетида Дилшод Фойилов, Самарқанд Давлат университетидан Шохимардон Мусавеллар ҳам бор.

Акбар АЛИЕВ

«Ишонч»га жавоб берадилар

# ЙЎЛОВЧИЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

**«Ишонч»нинг шу йил 26 октябр сонида «Тахририятга хат» руқни остида, «Йўловчилар ранжимасини» сарлавҳаси билан босилган мақолада қатновчи 49-автобус кўп ҳолларда белгиланган жадвал бўйича юрмаслиги, йўловчиларга қўлайлик туғдирган 73-автобус харақати номаълум сабабларга кўра тўхтатилгани ва «Чкалов метроси» автобус бекатида йўловчилар учун умуман ҳеч қандай шароит яратилмагани ва бошқа камчиликлар ҳусусида газетхон фикр-мулоҳазалари баён этилган.**

Ушбу мақола юзасидан тахририятимиз «Тошшаҳар йўловчилар» Давлат уюшмасидан жавоб хати олди. Унда маълум қилинишича, мақола Давлат уюшмаси ҳамда тармоқ қорхоналар раҳбарларининг умумий йўналишида кенг муҳокамага сабабчи бўлган. Мутасадди қорхоналарда эса чипта сотувчи ва ҳайдовчилар орасида йўловчилар би-

лан ўзаро муомала маданияти юзасидан йўриқномалар ўтказилди.

49-автобус йўналишида йўл қўйилган камчиликлар учун 2519 автокорхонанинг 1-автосаф бошлиғи А.Алимов огоҳлантирилди. Йўналиш ишини доимий назорат қилиш тасарруф бўйича раҳбар муовини О.Қаюмов зиммасига юклатилди.

73-автобус йўналиши бўйича шуни айтиш ке-

раки, йўловчилар оқими биз ўйлагандан ҳам кам бўлди. Тегишли самарга эришилмагач, ушбу йўналишни қайта тиклаш мақсада мувофиқ эмас, деб ҳисобланди.

«Юнусобод - 6 - Қорасув - 1» дахалари оралиғида қатновчи микроавтобуслар ҳаракати «Йўналишли такси» режимида ташкил этилган. Шу боис йўловчилар унда бепул юриш имтиёзидан фойдаланишга ҳақли эмаслар.

Шунингдек, жавобда «Чкалов метроси» автобус бекатидаги йўловчиларни ранжитадиган ҳолатлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш сўралган хат Ҳамза туман ҳокимлигига юборилгани маълум қилинади.



**Очик турдаги Бектемир пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.** Ўтган йил жамият 8 та хўжалик билан шартнома тузиб 4743 тонна хом ашё қайта ишланган бўлса, жорий йилда 10 та хўжалик билан шартнома тузиб, 7705 тонна пахтага қайта ишлов бериш кўзда тутилган. Жамият тасарруфидagi Ўрта-сарой пахта қабул қилиш пункти бўйича эса 3641 тонна пахта қабул қилинди. Қорхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга керакли шарт-шароитлар яратилган. Бу ҳиссадорлик жамияти эришаётган ютуқларнинг асосий омилдир.

**Суратларда:** Қорхона иш фаолиятдан лавҳалар.

**Ш.АКРОМОВ,** олган суратлар.

**ХАНОЙ.** Сўнги маълумотларга кўра, Вьетнамда юз берган табиий офат натижасида 577 киши ҳалок бўлган. Кучли ёғингарчилик 600 мингдан зиёд оилани бошпанасиз қолдирди, 75 минг гектар экин майдонини, йўл ва кўприкларни яроқсиз қолга келтирди. Табиий офатдан кўрилган моддий зарар 266 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

**Мен мутлақо соғман ва оғир дардга чалинганим тўғрисидаги миш-мишлар асоссиз уйдирмадир, деди Таиланд Бош вазири Чун Липкай.** Шу билан у бир неча кун илгари маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарни бутунлай рад этди.

Ўтган ҳафта шифокорлар Бош вазирига соғлиғининг бироз ёмонлашгани учун қисқа муддатга таътилга чиқишни маслаҳат берган эди. Аммо унинг ёрдамчиси сўзларига қараганда, Ч.Липкай яқин орада дам олишга чиқмоқчи эмас. Чунки яқинда мамлакат парла-

ментда вазирлар маҳкамасига нисбатан ишонсизлик билдириш ё билдирмаслик масаласи кўрилади.

**ВИЛЬНОС.** Литванинг янги Бош вазири Андриус Кубилюс Швецияга таъриф бу юрди. У Стокгольмда Швеция Бош вазири Йоран Перссон, ташқи ишлар вазири Анна Линд, мамлакат парламенти раҳбарияти ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан учрашди. Литва ҳукумати раҳбарини Швеция қироли Карл XIV қабул қилади.

Ушбу таъриф давомида Литва билан Швеция ўртасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари, Литванинг «Европа Иттифоқига аъзолик учун тайёргарлиги, минтақавий ҳавфсизлик каби масалалар муҳокама этилади.

**ПРЕТОРИЯ.** Жанубий Африка Республикаси президенти Табо Мбеки Дур-

бан шаҳрида Уганда ва Судан ўртасида тинчлик музокаралари ўтказиш таклифини илгари сурди. Йоханнесбургда нашр этиладиган «Санди индпендент» газетасининг ёзишича, мазкур давлатлар раҳбарларининг музокара бошлаши узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган курултой зиддиятларнинг барҳам топишига ёрдам бериши мумкин.

га қарши эмас.

**АЛ-КУВАЙТ.** Баҳрайнда АҚШнинг С-3В «Викинг» русумли самолёти ҳалокатга учради. Хабарларга кўра, АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли мазкур самолёт Форс кўрфазига қўлаб тушган. Йилгирма дақиқадан сўнг, икки нафар учувчининг жасади топилди. Ҳалокатга нима сабаб бўлгани ҳозирча маълум эмас.

**Т О К И О.** Индонезия

Президенти Абдурахмон Воҳид икки кунлик расмий ташриф билан Японияга келди. Ташриф доирасида у Япония Бош вазири Кэй-дзо Обуту, ташқи ишлар вазири Иохэ Коно ва молия вазири Киити Миядзава билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Япония тадбиркорларининг Индонезия иқтисодий тараққиотидаги фаолияти кўлимни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳока-

ма қилинади.

Япония ташқи ишлар вазиригининг маълумотига қараганда, 1996-1998 йилларда, яъни Жаҳоний-шарқий Осиёдаги молиявий инқироз пайтида Япония Индонезияга жами 30 миллиард АҚШ долларига тенг кредит ва бегараз ёрдам берган.

**О Л М А О Т А.** 15 ноябрдан эътиборан Қозоғистон Миллий банки томонидан мамлакатда 5000 тенге (тахминан 36 АҚШ долларига тенг) қийматига эга янги қоғоз пул муомалага киритилди. Унинг олд ва орқа томонида ал-Форобий ва Аҳмад Яссавий сиймоси туширилган.

Айтиш пайтада Қозоғистонда юз, икки юз, беш юз, минг ва икки минг тенгеллик қоғоз пуллари амал қилмоқда.

Қозоғистон Миллий банки маълумотларига қараганда, яқин кунларда қиймат 50 тенгелгача бўлган майда қоғоз пуллари металл тенгеларга алмаштирилади.

(ЎЗА)

**«Босилмаган хатлар изидан»**

## ГАЗЕТХОН ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Нарпай туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалиғи ҳудудида яшовчи Илхом Тўхтамишев тахририятимизга йўлаган шикоят хатида туман марказий шифохонаси маъмурияти уни гайриқонуний равишда ишдан бўшатгани ҳамда ушбу масалада тегишли ёрдам берилиши ҳусусида маълум қилган эди.

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитасидан келган жавобда таъкидланишича, текшириш жараёнида газетхон эътирозлари тўғри бўлиб чиққан. Ҳақиқатан ҳам туман марказий шифохонаси маъмурияти И.Тўхтамишевни лавозими қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 67, 101, 102, 103, 107, 108 ва 110-моддалари талаблари бажарилмаган.

Вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси раиси Ф.Тўшкенбоев имзо чеккан жавоб хатида яна шундай жумла бор:

**«Юқоридагиларга асосан ва Меҳнат Кодексининг 111, 275-моддаларига биноан шифохона маъмурияти аризачини аввалги ишига таълаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун таълаш юзасидан белгиланган муддат мобайнида кўмитамизга ёзма жавоб юбориши лозим.**

### Нима эксанг, шуни ўрасан

#### ДАРОМАДНИ ЯШИРИШДИ

Айрим ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари қандай йўл билан бўлмасин даромадларини яширишга, қонуний солиқларни камроқ ёки умуман тўламасликка ҳаракат қилишлари. Бу билан улар республика ҳамда маҳаллий бюджетга зарар келтириб қўйишлари, қорхона ва ташкилотларда маошларнинг вақтида берилмаётганлигига, нафақа, стипендияларнинг кенчаётганлигига сабабчи бўлаётганликлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Нишон туманидаги Ойдин жамоа ширкат хўжалигининг (раиси О. Бердиев, бош ҳисобчиси К. Асадов) 1998 йилги молиявий хўжалик фаолияти кўздан кечирилганда солиқлардан 4492800 сўм яширилганлиги маълум бўлди. Натijaда бюджетга 224600 сўм зарар келтирилган.

Бундай мисолларни кўпга келтириш мумкин. Шахрисабз туманидаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти, Қарши шаҳридаги санатория эпидемиология станциясига қарашли ёрдамчи хўжалиқларда ҳам қудди шундай ҳолга дуч келинди.

#### ҚЎЛБОЛА АРОҚ ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?

Чироқчи туманидаги К. Содиков номи жамоа хўжалигининг Бойли қишлоғида

яшовчи Райим Хушвақтов Шўрқудук бозоридида қўли-қўлига тегмай ароқ сотаётганда қўлга тушди.

— Яқиндагина дўкондан олгандим, пул зарур бўлганлиги учун ноилоҳ олиб чиқдим,— деди у.

Ҳақиқий аҳвол бунинг тескарисини кўрсатди. Ундаги «Шахрисабз ароқи»нинг ёрлиғи, акция маркалари ёпиштирилган спиртли ичимликлар махсус лабораторияларда текшириб кўрилганда барча ароқлар қўлбола эканлиги маълум бўлди. Шахрисабзда ишлаб чиқарилган 86 шиша «Ўзбекистон» шароб, 11210 сўм нақд пул ҳам далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Фўқаро ясама ароқ ясаб билан шуғулланганини гумон қилиниб ўтказилган текширишда унинг уйдан 20 литр спирт, 8 шиша бир литрли даҳхдаги идишда «РОЯЛ» спирти топилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 сентябрда қабул қилган «Спирт, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу соҳадаги гайриқонуний ҳолатларга чек қўйиш, бюджетга даромадлар тушуми, хўжалик йортувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш имконини яратди.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

### БЕГОНА ЮРТАДА ПУЛЛАМОҚЧИ БЎЛИБДИ...

**Ёзининг жазирмаси-ю, кишининг изғирини демай божона масканида сергак туриб, мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар бир ходим учун шараф ва юксак масъулиятдир. Бу вазифани Фарғона вилояти божона бошқармасининг шахсий таркиби сиканидан адо этиб келмоқда. Ана шундай финдийлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан тўташ ҳудудда жойлашган 5-сонли «Андархон» божона масканида хизмат қилмоқда.**

Маскан ходимлари зиммасига қўйин ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Яъни маскан орали фуқаролар ва автотранспортларнинг ноқонуний ҳаракатларини, товар-моддий бойликларнинг қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетишининг олдини олиш божоналарнинг қўндалки вази-фаларидандир. Шу билан бирга маскан орали харақатланаётган ҳар бир автомашина ва фуқаролар чўқур божона назоратини, шўб-хали шахслар эса албатта шахсий кўриқдан ўтказилади.

Йилнинг ўтган ойи мобайнидаги шахсий кўриқлар

### Алҳазар!

қолиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Натijaда маскан ўн ойлик натижасига кўра 1506 балл тўплаб, вилоят божона бошқармаси масканлари ўртасида юқори натижаларга эришди. Бундай

ютуқларни қўлга киритишда бош инспектор, божона хизмати майори Тошпулат Болтабоев, катта инспектор, божона хизмати катта лейтенанти Абдували Зоҳидов, ходимлардан Ғайрат Кабиров, Мамур Уринов, Қаримон Алибердиев, Валижон Ёқубовларнинг ҳиссаси катта.

— Масканимизнинг ҳар бир ходими топширилган вазифага сидқидилдан ёндошиб, харақатланаётган автотранспорт ва фуқароларни, шу билан бирга айланма йўлларни

жоний иш қўзғатилди.

Яқинда маскан ходимлари томонидан Тожикистон Республикаси фуқаролари Хошим Шамсиев, Абдурашул Зоиров, Алишер Жўраев, Зафар Хошимовлар айланма йўллар орқали божона ходимлари билишмайди, деган тасаввурда мотоцикл ва аравада 1 тоннага яқин бензинни олиб чиқиб кетишганда тўхтаб қолди.

Бешариқ туманининг Андархон қишлоғида истиқомат қилувчи Шўхрат Жуманов эса от аравада 352 донга хўжалик соанини бегона юрда пулламоқчи бўлибди.

Ўзбекистон Республикаси Божона Кодексининг 161-ва 162-моддаларида кўрсатилган ҳолатларни содир этган юқоридаги шахсларнинг ноқонуний ҳаракати энди Бешариқ тумани суди одилона баҳо беради.

**З.ЙИГИТАЛИЕВ,** божона хизмати катта лейтенанти.

# СОФОКЛ

## ХИКМАТЛАРИ

Қадимги юнон мутафаккири Софокл эрампдан аввалги 496-406 йилларда яшаган. Софокл ўзининг ўткир сюжетли драмалари билан жуда ҳам машҳурдир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Софокл 123 та драма ёзган. Шундан 7 таси бизгача етиб келган. Асқад Мухтор «Шоҳ Эдип» ва «Антагена» асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ушбу асарлар ҳаммазо номидаги театрда саҳналаштирилган. Халқ артисти машҳур санъаткор Шукур Бурхон ўзининг «Шоҳ Эдип» роли билан ўзбек саҳнасининг юлдузи даражасига кўтарилган. «Шоҳ Эдип» трагедияси ҳамон қалбни ларзага солади, ўйга толдиради. Классик асар, мана минг йиллардирки, инсон қалбини жунбушга солиб, одамзотни қойил қолдириб келаяпти, шунинг ўзи Софоклнинг кимлигини билдириб турибди.

Серкирра ижод соҳиби, бетакрор истеъдод эгаси Софоклнинг ҳикматлари ҳам абстрактдир. Дунёда ягона гапира оладиган жонзот — инсоннинг мазкур хислатида сир-саноат мўл-қўлдир. Но-зик томонлари ҳам сероб. Мавруди билан гапиришликда ҳам катта маъно бор. Қаерда, қандай гапиришликнинг ҳам ўзи минг ҳикмат. Бу борада донишманд алломалардан Софоклнинг дурдона фикрларига эътибор беринг. «Кўп гапириш билан, кўп гап айтиш, - деганди Софокл, - бошқа-бошқа нарса».

Ақл соҳиблари бўлмиш инсонга кашфиётлар қилиш, ихтиролар яратиш каби хислатлар ҳам насиб этган. Аммо янгиликлар осонликча, ўзи-ўзидан бўлмаслиги ҳаммага аён. Зафарларнинг калити ҳам муваффақиятлар гарови ҳам ҳаракат, кураш, машаққатли меҳнатдир. Бу борада Софокл жанобларнинг фикри қуйидагича: «Буюк ишлар бирдан қилинмайди», деганда аллома муллақо ҳақ бўлган. Бунинг тагида залворли меҳ-

натдан ташқари талант ҳам бўлмоғи керак, истеъдод ҳам қўл келади. Ана шуларнинг ҳаммасига ақл-фаросат қўшилса олам гулистон. Софокл ақл ҳақида шундай деган: «Ақл, шубҳасиз, бахтиёрликнинг биринчи шартидир». Одатдот дунёга келибдики, бахтли ҳаёт кечиришга ҳаракат қилади. Ана шу ҳақиқатнинг асосларидан бири ақл экан. Инсон ақлининг имкониятлари чексиз, чегарасиз. Инсон ақлининг куч-қудрати тоғларни талқон қилади. Шамол орқали тегирмонни юргизади.

Кечиримли бўлиш ҳам хислат, босиқлик ҳам катта бойлик. Хатоларни кечиринди ушбу хислатлар ўз самарасини беради. Мана, бу ҳақда, аллома нима дейди: «Билмай, хато қилиб қўйган хатоларга унча ғазаб тўқмаслик керак». Ҳа, ҳаммада ҳам айб бўлиши мумкин. «Хар тўқисда бир айб» деб доно халқимиз беркорга айтмаган.

Салбий иллатлар инсонга доимо зарар келтирган. Нуқсонлардан азият чеккан. Шуларнинг ичида қўрқоқлик ҳам одамларни ёмон аҳволга солиб қўяди.

«Юраксизларга, - деганди Софокл, - бахт ёр бўлмайди. Қўрқанга қўша кўрнгар» деган халқ нақлини эсга оладиган бўлсак, аллома ҳикматининг баҳоси тагин ҳам ошади. Умуман, Софоклнинг дурдоналари ҳамон курраи заминнинг ҳамма бурчақларида одамлар ақлу тафаккурини қайратти. Бундан кейин ҳам инсоният ақлини пешлашда, тафаккурини чархашда Софокл ҳикматлари қўл келишига шубҳа йўқ.

Мусокул УСМОНОВ,  
профессор.

# АЛЛОМИШЛАР ЮРТИ

**Тоғлар оша гумбир садо келмоқда,  
Бойчибори шамол каби елмоқда,  
Алломишни энди дунё билмоқда,  
Кўҳна Турон — бу алпларнинг диёри!**

**Пахлавинин чорлар бугун бу тупрок,  
Ботирлари уйғоқ юртга хавф йирок,  
Йигитларин юрагида ўт чирок,  
Кўҳна Турон — бу алпларнинг диёри!**

**Ҳақимбекдир, зулматда нур, бадрингиз,  
Баланд тутинг, баҳодирлар, қаддингиз,  
Алломиш бу — юракдаги қадрингиз,  
Кўҳна Турон — бу алпларнинг диёри,  
Озодлик - бу Алломишлар шиори!**

Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА



## SPORT

### «ТОШКЕНТ КУБОГИ» ИШТИРОКЧИЛАРИ

«Динамо» спорт мажмуида пойтахтимизнинг етти та спорт клуби иштирокида самбо бўйича «Тошкент Кубоги» учун ўтказилган баҳсларда 7 вазндаги курашчилар ғолиблик учун беллашди.

Учрашув бош ҳақами Ҳамид Тошхўжаевнинг айтишича, ушбу баҳслар 22-23 декабр кунлари ўтказиладиган Ўзбекистон Кубоги мусобақаси олдидан саралаш бўлиб, мазкур турнирнинг биринчи ва иккинчи ўрин соҳибларига бу имкониятга эга бўлдилар.

Уч кун давом этган баҳсларда 14 нафар Ўзбекистон Кубоги мусобақаси иштирокчилари аниқланди. Улар орасида А.Серкеев (Динамо-II), С.Сангиев (Динамо-I), Р.Одилов (Академия), А.Йўлдошев (ТТЗ) каби самбочилар бош соврин соҳиби бўлди.

Ушбу мусобақа Тошкент шаҳар спорт қўмитаси ҳамда самбо федерацияси ҳамкорлигида учинчи марта ўтказилди.

### АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ

Одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга ихтиёрли ёки мажбурий кўчишлари аҳоли миграцияси дейилади. Аҳоли миграциясидан ташқари, табиида ҳам ҳар хил миграциялар - қўшлар, хайвонлар, ўсимликлар, ҳатто ер остидаги газ ва нефть миграциялари бўлади. Шунингдек, чет элларда капитал миграциялари ҳам содир бўлиб туради.

Европа ва Осиёда кўп халқларнинг ташкил топишига таъсир кўрсатган йirik аҳоли миграциялари ўрта асрлар даврининг бошларида рўй беради.

XV-XVI асрларда аҳоли миграцияси тагин ҳам авж олади. Янги топилган Америка қитъасига Европадан кўчиб борушчилар сони борган сари кўпаяди. Дастлаб у ерга испанлар ва португаллар, сўнгра французлар, голландияликлар, инглизлар, шотландияликлар ва бошқа халқлар боришди.

### ОЛОВ МАМЛАКАТИ

Бундан 1130 йил муқаддам жасур скандинавиялик денгизчи викинглар Исландияни кашф эттишган эди. Улар янги оролда ўрнашиб олишган, аста-секин фарбга ўта бошладилар ва шу тарихка аввал Гренландияни, кейинроқ Шимолий Американи кашф эттишган.

Дастлаб қўчиб келганлардан биринчи моллари биринчи қаттиқ қишдаёқ ўлиб қирилиб кетган. Шундан кейин ўз ватанига қайтишга мажбур бўлган. Кетишидан олдин баланд тоққа чиқиб атрофга назар ташлаганда, музлар сузиб юрган бир қўлчага қўзи тушган. Шунда у киши бу улғаса «Исландия», яъни «Музлар мамлақати» деб ном берган экан.

Геологлар эса «Исландия» ер юзидики 25 та «порох бочкаларидан бири» бўлиб, деишади. Бу иборода ҳам жон бор. Бу оролни «вулканлар ўлкаси», «Олов мам-

### ҲАР ТЎҒРИДА

лақати» деб ҳам аташ мумкин. Аслида Исландиянинг ўзи вулкан отилишдан пайдо бўлган орол. Хисобларга кўра, бу ерда ҳар 5 йилда вулкан отилиб туради.

Аваллари ҳам вулканлар катта талофат етказган. Чунинчи, 1783 йил 8 июнда Ватна-ёкуль музлагининг жануби фарбдаги баланд тоғ яйловларида ер ёрилиб, 10 километрлик ёруқ пайдо бўлган. 40 кун мобайнида шу ёруқдан Рейн дарёси денгизга қуядиган сув микдоридан икки баробар кўп лава чиққан.

### СИРЛИ МАҲЛУҚ

Мушукнинг ватани Африкадаги Нубия қишлоғидир. Қадимги замонларда, эрампдан олдинги икки мингичи йилда мисрликлар Нубия мушукни қўлга ўргатишган. Сўнгра мушук бу ердан Осиёга, ўрта асрларда эса Европача тарқалган. Хозирги вақтда ер юзиде мушуклар

жуда кенг тарқалган.

Қадимги Мисрда мушукларни муқаддас ҳайвон деб ҳисобланганлар. Уша замонларда мушукни ҳатто бирон тасодиф билан ўлдирган кишилар ҳам ўлим жазосига тортдилар эди.

Ўрта асрда Англияда мушукни қийнаган кишиларга катта жарима солинарди.

Францияда бўлса мушукларни «жодугар» маҳлуқ деб билиб, динга қарши чиққанлар қаторида гулҳанга ташлаб ёндирдилар.

Ўзбекистонда илгариги вақтларда мушукка бунчалик ёмон назарда қаралмаган бўлса-да, лекин уни ҳар ҳолда хосиятсиз ҳайвон деб билганлар.

Айтмоқчи бўлганимиз қанчалик ғалати туюлмасин, аммо ҳақиқат. Бизнинг уйларимизда бўладиган одатдаги мушуклар энг сирли маҳлуқлардан бири бўлиб, уларнинг табиати, хатти-ҳаракатлари жуда оз ўрганилган.

### НОДИР САҲЪАТ

Қаҳрамонлик эпоси «Алломиш» дostonи яратилганлигининг минг йиллигини катта тантаналар билан нишонлаган Сурхондарё вилояти марказида ана шу номдаги кўрғазма очилди.

Кўрғазмада воҳанинг таниқли мўйқалам усталари Т.Уроқов, Х.Ҳасанов, С.Аҳмедовнинг алп ўғлонлар юрти Сурхон воҳасининг пурақор тоғлари, бетакрор, мафтункор табиати, сўлим қишлоқлари, меҳнатсевар халқи эътиборликлари акс эттирилган асарлари намойиш этилмоқда.

### МАЛИКОБДАДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Қизилтепа туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Маликчўл» ширкат хўжалиги аҳолиси мамнун. Бу ердаги Малиқобод кўрғонда замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шифохонада малакали врачлар беморларга хизмат кўрсата бошлади.

## ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ УСТАСИ

Ёғоч ўймакорлиги Хоразмда қадимий ҳунармандлик ва санъат турларидан бири ҳисобланади. Хеванин ўймакор усталар гужум дарахтидан ишлов берган эшик ва дарвозалари бутун дунёдан келаятган меҳмонларни дол қолдирмақда.

Ака-ука Кўзибой ва Шавкат Жуманиёзовлар Хева шаҳрида ноёб бўлиб қолган ана шундай ёғоч ўймакорлиги касбини таллашган. Шавкат 1980 йилда Хева шаҳрида Ота полвон номи билан машҳур наққошга шогирд тушади. Мустақилликка ёғочга гул ўйиб ишланган эшик ва дарвозалар фақат музейлардагина намойиш қилиш учун олиб кетиларди. Шахсий уй эгалари, давлат идоралари бундай эшик ва дарвозалардан фойдаланмас эдилар. Иш фаолиятининг дастлабки йиллари Шавкат тайёрлаган санъат намуналари, қанчалик гўзал бўлишига қарамай ҳеч ким харид қилмасди.

Миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши билан ёғоч ўймакорлиги наққошлари учун ҳам кенг им-

кониятлар очилди. Ёш наққош Шавкат Жуманиёзов акаси Кўзибой билан 1994 йилда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган Бериуний номи хусусий корхона очди. Корхона низомида ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан биргаликда, бу ноёб санъатни ёшларга ўргатиш, яъни шогирдлар тайёрлаш ҳам назарда тутилган. Шу мақсадда корхонага бешта уста ва 16 та шогирд ишга қабул қилинган. Бу ерда амалий машғулотлар билан биргаликда назарий билимлар ҳам берилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун хом ашёни асосан Хоразм воҳасида ўсадиган гужум дарахтидан, қисман эса қайрағоч (Хоразмча қаромон) дарахтидан олинади.

Аста-секин Ш.Жуманиёзов ишлари кўзга кўрина бошлади. Корхона томонидан тайёр-

ланган ёғочга ўйилган нақшлар воҳада сифатининг юқорилиги ва нафис ишланганлиги билан ном чиқара бошлади.

Франциянинг собиқ Президенти Миттеран Хевага ташир буюрганида, - дейди наққош, - ўймакорлик услубида ясаган эшигимизга қизил қолди ва бу намунани унга совға қилдик.

Хевага чет элдан меҳмон бўлиб келган хорижий сайёҳлар, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини мамнуният билан харид қилмоқдалар.

Хева наққошлик санъати ўзининг баъзи бир жиҳатлари билан Самарқанд ва Бухоро наққошлигидан фарқ қилади. Айниқса, Олмагул, Лолагул, Мадорим, Бодий сингари нақш турлари бетакрорлиги билан таҳсинга лойиқдир.

Эркин ЭРМАТОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## ХОРАЗМНИНГ ҚАДИМ ҚЎШИҒИ

Қўшиқ деганда ҳаёлингизга беихтиёр оҳанрабо қўйлар қанотида парвоз қилган юракни жунбушга келтирувчи сўзлар келган бўлса, ажаб эмас. Чунки қўшиқ чиндан ҳам ошик юракнинг ўз меҳрини қўшиб битган шеърини сатрларига мос дилрабо оҳангдир. Аммо қўйсиз, сўзсиз ҳам яралган шундай қўшиқлар борки, уларни фақатгина кўзлар воҳитасида ўқиш мумкин, ҳолос.

Асрларни қаритган қадим аъёналар давом этаётган Хоразм воҳасида кенг қанот ёзган халқ амалий санъати, назаримда, ана шундай бетакрор қўшиқдир.

Халқ усталарининг ёғочга ўйиб ишлаган нақшу нигорларида ақл садо беради бу қўшиқ. Чинни-ю сопол идишларга чизилган суратларда жонланади бу қўшиқ. Боболарнинг бой бисотидан сўйловчи масжиду мадрасалар, минора-мақбараларни безаб турган кошнларда жаранглайди бу қўшиқ...

Хоразмнинг қадим қўшигини бугунги авлод ҳам баланд пардаларда қуйлапти. Шу мақсадда 1994 йилда ташкил қилинган I-сон амалий санъат гимназиясида санъатнинг барча турлари бўйича тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди. Наққошлик сирларини изчиллик билан ўрганаятган олтинчи синф ўқувчиси Умар Ражабов ўзи ишлаган гулдон, турли ҳажмдаги қўтичалар ва олти қиррали стол билан қатнашиб вилоят кўригида биринчи ўринни эгаллади.

Темир КУРБОН.



Суратда: Гимназия раҳбари Раҳматилла Аҳмедов шогирди Умар Ражабовнинг янги ишлари билан танишмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

**Жиззахдаги «Тўмарис» ўйинлари фестивалида Тўмарис момоизининг издошлари, аниқроғи Ўзбек қизлари беллашдилар.**

Фестивал очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳоқдир Махситов бу мусобақада «Барчиной» тасвири туширилган нишон ва гувоҳнома ғолибларга илк марта тақдим этилажигини таъкидлади.

Тўмарис, Алломиш, Барчиной каби халқимиз қаҳрамонларининг тимсоллари ўз учқур отлари билан даврага кириб келиши. Шундан сўнг, «Тўмарис» тимсоли туши-

## «ТўМАРИСЛАР» БЕЛЛАШУВИ

рилган байроқ остида 300 дан ортқ республикамизнинг турли вилоятларидан келган спортчи опа-сингилларимиз ўз миллий кийимларида даврага чиқиб, мусобақаларни бошлаб юбордилар.

Бўлиб ўтган беллашуларга тўхталадиган бўлсак, дастлабки кунги найза улоқтириш бўйича баҳсда фарғоналик Светлана Кармаушенов биринчи, Фариджа Хайридинова (Андижон) иккинчи, Наталья Пальвинская (Жиззах) учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Копток улоқтириш бўйича эса, Ўроҳол Шербоевага (Сурхондарё) тенг келадигани топилмади.

Сузиш баҳсида Самарқанд вакили Екатерина Абдишева энг яхши натижага эришди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Роксана Глушенко (Навоий), Лариса Попова (Сирдарё) қўлга киритди. Уша куннинг энг қизиқарли учрашуви армистлинг (қўл кучи синашиш) бўйича бўлди. Унда барча рақибларини доғда қодирган андижонлик 18 ёшли Дилором Қамбарова «Тўмарис» эканини намойиш этди.

Якка баҳслардан яна бири ногирон аёллар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида 45 ёшли Самия Тўхтабобоева (Бухоро) барча рақибларини энгиб, биринчи даражали «Барчиной» нишонининг соҳибаси бўлди. Қолган учрашувлардан эса, ҳар бир жамоадан 6 нафаргача қизлар қатнашиб, «Отишма», «Тортишмачоқ», «Қирқош» каби баҳсларда Жиззахликлар, «Отиб қочар», «Бўрон» халқ ўйинларида фарғоналиклар ҳамда «Арғимчоқдан сакраш» бўйича мусобақада андижонликлар ғолиб деб топилди. Икки кун давом этган миллий спорт турларини ва халқ ўйинларининг 11 тури бўйича баҳсларида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Жиззахликлар, 2-ўринни самарқандликлар ва ниҳоят 3-ўринни сурхондарёлик қизлар эгаллашди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Фестивалнинг энг ёш ҳамда яхши натижа кўрсатган иштирокчисига республика «Болалар» жамғарма-

си томонидан бериладиган совғани қашқадарёлик Умида Чоршанбиева қўлга киритди. Маросимда сўзга чиққан республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Гўлинов, ушбу миллий ўйинларимиз тараққий этиб, келгусида халқор олимпиада беллашувлари сафидан ўрин олади, деб умид билдирди.

Навбатдаги фестивал 2001 йили Қашқадарё вилоятида ўтказилади. «Тўмарис» тасвири туширилган байроқни Жиззахликлардан қашқадарёлик қизлар қабул қилиб олди.

Ў.ХОЛИҚОВ.

# ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотушда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёти-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 21.30